O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2005-yil, 15-iyul • № 29 (3806)

# ИСТЕЪДОДЛАР ЗОМИНДА УЧРАШДИЛАР




Зомин туманидаги «Ўриклисой» оромгоҳида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан қатор йиллардан бери муттасил ўтказиб келинаётган ёш ижодкорларнинг навбатдаги семинар-танлови бўлиб ўтди.

Мустақиллик йилларида ёш ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бадиий адабиётнинг турли жанрларида қалам тебратиб келаётган, ўз сўзи, тиниқ фикри билан катта адабиёт оламига кириб келаётган ёшлар учун Зомин учрашувлари ўзига хос мактаб бўлиб хизмат қилмоқда. Бу йил тўққизинчи бор ўтказилган бу тадбирда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган иқтидорли ёшлар иштирок этиб, уч кун мобайнида катта устозларининг сабоғидан баҳраманд бўлдилар.

Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Александр Файнберг, истеъдодли шоирлар Сирожиддин Сайид, Азим Суюн, Маҳмуд Тоиров, Салим Ашур, Рустам Мусурмон, Исмоил Тўхтамишев, Зиёвуддин Мансур, Умида Абдуазимова, Зебо Мирзаева, Сайёра Тўйчиева, Бахтиёр Генжамуродов, газетамиз бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, «Ёшлик» журнали бош муҳаррири Собир Ўнар ва бошқалар ёш қалам соҳибларининг ижод намуналарини таҳлил қилиб, уларга зарур йўл-йўриқлар бердилар. Она-Ватан, мустақиллик, миллат ғурури, севги-муҳаббат мавзуида ёзилган илк асарлар ёшлар иштирокида кенг муҳокама этилди.

Шу нарса қувонарлики, ёш ижодкорлар бугунги мураккаб дунёнинг ўзига хос хусусиятларини, мустақиллигимизга, ҳурлигимизга нисбатан бўлаётган тажовузлар, турли иғвогарликлар моҳиятини тўғри англайдилар. Ватанни, мустақилликни асраш, Президентимизнинг огоҳлик даъватларини ҳамиша ёдда тутиш — касб-коридан қатъий назар, ҳар бир ёшнинг муқаддас бурчи эканлиги уларга яхши аён. Уч кун давомида бўлиб ўтган ҳароратли шеърхонликлар, давра суҳбатларида бу фикр қайта-қайта эътироф этилди. Бу азиз Ватан — барчамизники эканлиги, уни асраб-авайламоқ, ёмон кўзлардан асрамоқлик бурчи тўғрисида оташин шеърлар ўқилди.

Семинар-танловининг олий мукофоти жиззахлик ёш шоир Муҳиддин Абдусамадга муносиб кўрилди. Фарғоналик ёш шоира Ўлмасой Нишонова, қорақалпоғистонлик Машҳура Шарипова, сурхондарёлик Дилноза Бобоназаровалар биринчи даражали мукофотга сазовор бўлдилар.

Ёш ижодкорлар Неъмат Ҳайрат, Абдуҳалил Сатторов, Аъзамжон Обидов, Дмитрий Черников, Тўлқин Бўриев ва Муҳиддин Абдусамадовлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига, Дониёр Мирзо ва Эътибор Норбўтаева Олий Адабиёт курсига тавсия этилдилар.

Семинарнинг очилишида Жиззах вилояти ҳокими У.Яманқулов иштирок этди.

**Ўз ахборотимиз.**







*Н.МУҲАММАДЖОНОВ суратлари.*

# ЎЛАН АЙТГАН ЕТАР МУРОДГА...

Шўх-шодон, ҳар бир сатри жон олувчи лапарларимиз ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, улуғ санъаткорлар Тамарахоним ва Мукаррам Турғунбоевалар қиёфаси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Қолаверса, Тўхтахон Йўлдошева, Ойхон Ёқубова, Гулшод Отабоева, Таваккалхон Турсунова, Мунира Муҳамедова каби таниқли хонандалар ҳам бу жанр ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Кейинчалик уларнинг сафига «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамблининг хонандалари Инобат Жониева ва Шоҳиста Парпиева қўшилдилар. Улар лапарларга замонавий мазмун бағишладилар.

Бугунги кунда юқорида номлари келтирилган лапарчилар ижодининг энг яхши намуналари телевидение ва радио хазинасида сақланмоқда.



Илгари бироз эътибордан четда қолган ўлан айтиш санъати эса мустақиллик йилларида қайтадан шаклланади. Ҳозирги кунга келиб халқ ижодининг бу тури ёшлар орасида ҳам анча оммалашиб қолди. Бу соҳанинг ўзига яраша моҳир ижрочилари етишиб чиқди.

Жумладан, Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидаги маданият уйи қатнашчиси Содиқжон Ҳасанов қадимий халқ ҳазил ўланларини республикамизда ўтаётган оммавий маданий тадбирларда ижро этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлмоқда.

**Давоми бешинчи бетда.**

*Суратда: фестивал иштирокчилари. Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.*

**Махмуд ТОИРОВ**

# СЎЗ АХТАРАЁТГАН ЁШЛАР

Ҳамёнини йўқотган одамнинг ҳолатини кузатганмисиз?

Кўчага сиғмайди у. Учраган ҳар инсон нажот тоғи бўлиб кўринади унинг кўзига. Жонсарак, тўғрироғи, ҳамёнини эмас, жонини ахтараётгандек туюлади бундай одам.

Сўз ахтараётган одамни ҳам кузатганмисиз? У бир сония ғамгин, дақиқа ўтмай қуёшдек кулиб юбориши мумкин. У ўзига сўзлашдан, кулишдан, йиғлашдан уялмайди. Сиз уни кўрасиз, у сизни кўрмайди. У кўнгли билан гурунглашади. Кўнглида эса ўз худоси бор. Ўз раббисидан сўз сўрайди у! Шу боис шеърда илоҳий туйғу, шоирда эса таърифи сўзларга сиғмас сиру синоат бор.

Зомин ёшлари... Сўз ахтариб йўлга чиққан ҳуррият фарзандлари. Улар майсадек мулойим, айни пайтда чақмоқдек ёниқ. Кўзларидан томчи-томчи, юзларидан нурли-нурли сўзлар тўкилиб турган ёшлар. Улар ошиқ, ўзлари ахтариб юрган сўзларга сиғмаётган ошиқлар. Улар тиз чўккан меҳробнинг номи — МУҲАББАТ! Муҳаббат кишисининг эса сўзлари гуллаб туради. Муҳаббат гуллари йиқилаётган чинорни суяб қолишга қодир гуллар. Мана бу сатрни оҳангию рангига қаранг:

**Муҳаббатдан муҳаббат бўлди пайдо,**
**Муҳаббатсиз кишидан қоч, Ҳувайдо.**

Таҳлилсиз ҳам дардларга дармон мисра. Ўлмаган Ҳувайдо, ўлмайди Ҳувайдо!

Зомин ёшлари... Ҳувайдо бўламан деб, Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Увайсий, Зулфия, Абдулла Ориф, Эркин Воҳид, Муҳаммад Юсуф... каби улуғларнинг йўлларини тилаб, сўз ахтариб йўлга чиққан ёшлар. Улар кўнгил қушларида учиб бордилар гўё.

Зомин! Поклик чамани, кўклик чамани. Қуёшнинг тиғига қалқон арчалар. Саратонда сарғаймаган майсалар Зомин пояндозлари.

**Давоми учинчи бетда.**

# ҒАРОЙИБ ТАЖРИБА

***Бугун инсон зотини бирор бир янгилик ёхуд кашфиёт билан ҳайратга солиш ўта мушкул. Чунки, дунёнинг ўзи ҳайрат либосини кийиб, ажабтовур феъл-атворига бизни тобора кўниктириб бормоқда. Оёғи ойга етган инсоннинг бир оёғи ўзга бир ўлкада, бошқа минтақаларда ўз манфаатини ахтариб юрибди. Эркак кишининг гапи битта бўлади, дегани ҳам, афтидан бир мунча эскириб қолганга ўхшайди. Дунё сиёсатдонлари ҳар қандай воқеа-ҳодисани, Ҳамза Ҳакимзоданинг қаҳрамонлари каби ўз фойдаларига буриб талқин қилишлари бугунги кунимизнинг аччиқ бир ҳақиқати, десак мутлақо янглишмаймиз.***

Ҳайратланарли воқеалар кундалик турмушимизда кўплаб учрайди. Ҳали мўйлаби сабза урмаган набирангиз уйда ёнбошлаганча дунёнинг нариги чеккасидаги дўсти билан валақлашаётгани, космик фазода, океан тубида нима воқеалар содир бўлаётганини кўзимиз билан кўриб, қулоғимиз билан эшитиб турганимизни олинг. Интернет тугмачаларини боссангиз, истаган мавзудаги истаган маълумот кўз ўнгингизда маржондек тизилиб туради. Компьютер машиналари шоҳмот бўйича жаҳон чемпионларини доғда қолдирмоқда-ки, бу ҳам ҳеч гап бўлмай қолди.

Лекин ушбу сатрларни қоғозга туширишга сабаб бўлган бир нохуш воқеа борки, унга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш, менга нима дея бемалол ёнбошлаб ётавериш мутлақо мумкин эмас. Бу — одам боласи ўзини ўзи заҳарлаётгани, соғлиғи илдизига болта ураётгани, атроф-муҳитни аёвсиз равишда булғаётганидир.

Шу кунларда Тошкентдан Чинозгача катта йўлдан юриб кўринг. Ҳосили ўриб, йиғиштириб олинган ҳайҳотдай буғдой далаларига шафқатсизларча ўт қўйилмоқда. Олов ва аччиқ тутун чор-атрофни қоплаб олган.

*Муҳаррир минбари*

Бу ишнинг номақбуллиги тўғрисида қанчадан-қанча мақолалар ёздик, мажлису йиғинларда эҳтиросли нутқлар сўзладик, аммо бу дашномларимиз мутасаддиларнинг бу қулоғидан кириб, у қулоғидан чиқиб кетаётгандай. Ношуд ва қулоғи том битганлар ернинг мелиоратив ҳолатини тамомила издан чиқарадиган, атроф-муҳитга шубҳасиз зиён етказадиган бу «тадбиркорлик»дан ҳамон воз кечмаяптилар. Буғдой далаларига ўт қўйиш «тажрибаси»ни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида, жумладан водийда ҳам кўриш мумкин.

Табиатга зуғум қилувчилар бутун дунёда қонун йўли билан жазога тортиладилар. Сингапурда асфалтга туфлагудек бўлсангиз, нақд 1000 доллар жарима тўлайсиз, белгиланмаган жойда сигарета тутатсангиз, 500 доллардан айриласиз. Германияда етаклаб юрган кучукчангиз бир жойни булғаб қўйса, ўша заҳотиёқ 150 евролик жаримага тортиласиз. Туркияда сигарета қолдиғини йўлга ташлаган киши деярли бир ойлик маошидан айрилади. Белгия, Голландия каби бир қатор Ғарб давлатларида деҳқончилик ва чорвачиликда ҳосилдорликни сунъий равишда ошириш қатъиян ман этилган. Хусусан, ерга меъёридан ортиқ даражада ўғит солиб, уни зўриқтириш мутлақо мумкин эмас. Чунончи, соғин сигирлардан ортиқча сут соғиб олиш ва бу билан бозорда нархнинг асоссиз равишда тушиб кетишига йўл қўйиш ҳам рағбатлантирилмайди. Уй ҳайвонлари манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар бунга жиддий қарши турадилар. Ўрмон заҳиралари, табиий ўтлоқлар, сайхонликлар, сув ҳавзалари, тоғ ва тепаликлар, дарё ва кўлларга зиён етказиш, табиий манзарани бузиш, ҳайвонот ва ўсимлик турларининг йўқолиб кетишига, мувозанатнинг бузилиши ва табиий муҳитнинг ўзгаришига олиб келадиган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш кескин қораланади.

Инсон ҳаёти билан боғлиқ турфа хил жараёнлар туфайли ҳар йили 1 миллиард тонна ёқилғи ёқилади, атмосферага неча юзлаб миллион тонна азот оксиди, олтингугурт, углерод, қурум ва чанг кўтарилади. Тупроқ ва сув, биз нафас олаётган ҳаво, ўсимлик дунёси беҳисоб саноат чиқиндилари, минерал ўғитлар, оғир металлар, радиоактив моддалар билан ифлосланади. Бу муаммо янги асрнинг жиддий муаммоси бўлиб турганида, биз ҳафсаласизлик, боқибеғамлик билан буғдойпояларга ўт қўйиб, ҳаммаёқни тутунга тўлдириб, ўзимизни ўзимиз заҳарлаб турсак, атроф-муҳитга онгли равишда зарар етказсак, буни нима деб баҳолаш мумкин? Далага ўт қўйиш «тажриба»си хусусида республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутасаддилари қандай фикрда эканлар?

Кейинги пайтларда «Экологик маданият» ибораси тез-тез тилга олинаётгани бежиз эмас, албатта. Халқимизнинг неча минг йиллик тарихи мобайнида шаклланган ва бизга маънавий-ахлоқий қадриятлар бўлиб етиб келган бу маданият бугун, очиқ айтиш керакки, сусайиб бормоқда. Маиший чиқиндиларни дуч келган жойга ташлаш, биров кўрмаса бўлди қабилида иш тутиш, қоғозга ўраб, кўпқаватли бинонинг юқорисидан тунда пастга отиш, бир қарич ер дея ғуж-ғуж мева тугиб турган дарахтни кесиш ҳоллари шундай дейишимизга асос бўла олади.

Мустақиллик йилларида табиат муҳофазаси, ер, сув ва ҳаво ифлосланишининг олдини олишга доир бир қанча ибратли ишлар амалга оширилгани кўпчиликка яхши маълум. Бу мавзуга доир бир қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ўрмон тўғрисида», «Чиқиндилар тўғрисида» қонунлар қабул қилинди. Конституциямизнинг 50-моддасида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир. Улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», деб ёзиб қўйилган. Мамлакатимизда «Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси» ташкил этилган. Тегишли ташкилотлар, мутасаддилар, олимлар иштирокида табиатни асраб-авайлашга доир ҳар йили кўплаб анжуманлар ўтказилади, матбуотимиз бу мавзуга алоҳида эътибор билан қарайди.

Республика табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасидан олинган маълумотларга қараганда, бу борадаги қонунчилик талабларини, табиатдан фойдаланиш меъёрлари ва қоидаларини қўпол равишда бузганлиги учун салкам 12 минг мансабдор шахс ва фуқаролар кейинги бир йилнинг ўзида маъмурий жавобгарликка тортилганлар. Атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш учун улардан 207,2 миллион сўм ундирилган. Табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган кўплаб корхона ва цехлар («қўлбола цехлар» десак тўғрироқ бўлади) фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилган. Лекин...

Чингиз Айтматов бир мақоласида «Ўрмондаги ҳар бир дарахтнинг тагига биттадан қоровул қўйиб бўлмайди», деб ёзган эди. Бинобарин, ҳар бир далага, ҳар бир дарё ёки кўл қирғоғига қўриқчилар қўйиб чиқишнинг мутлақо имкони йўқ. Қўриқчи ҳар биримизнинг виждонимиз ва иймонимизда бўлиши керак.

# ҚОДИРИЙ БОҒИДА

Эски Жўвада жойлашган Ёш томошабинлар театри биноси ёнидаги бир қарашда ташландиқ жойга кўпчиликнинг кўзи тушган бўлса керак.... Ҳар гал ўша томондан ўтганимда, харобазорлар орасидан қаддини тик тутиб турган ҳайкалгина бу ер аслида ташландиқ жой эмаслигини эслатиб тургандай бўлар эди. Айтишларича, бу ерлар илгари жанггоҳ деб аталган экан. Кейинчалик эса эски шаҳарнинг сўлим ва гавжум боғларидан бўлган. Катта ёшлилар бу ердаги обод чойхоналарни, ёзги театрни, ҳафта давомида бир-бирига уланиб кетадиган тўй-томошаларни, катта базмларни яхши эслашади. Кейин эса...

Абдулла Қодирий! Ҳамишагидек, қандай вазиятда бўлишидан қатъий назар, мағрур ва тик қомат! Унга етгунча турли хил тўкиндилар, сигарета қутиларини босгунча, синиқ шишаларга қоқилгунча уриниб-суриниб ўтишинг керак бўларди. Хароба боғдаги бу ҳол кўзимга ўзининг ички маънолари билан кўрингандай эди. Қайси бир даврада ёки адабий анжуманда бўлманг, йигит ёки қизга баҳо бергудек бўлишса, дарров Отабегу Кумушни эслашади, ёхуд бадиий хазинамизга бирор-бир асар қўшилгудек бўлса, «Ўтган кунлар»га солиштирамиз. Хуллас, Қодирий ижоди то ҳануз биз учун ўзига хос мезон вазифасини ўтаб келяпти. Кейинги юз йилликда адабиётимизда қанчадан-қанча асарлар яратилганидан қатъий назар, «Ўтган кунлар» ҳануз шоҳлик тожини бошқа бир асарга бергуси йўқ.

Яқинда Чорсу бозорининг ён томонидаги кўчага ўтиш учун янги ер ости йўлидан ўта туриб, бутунлай бошқа манзарага дуч келдим. Аввалига турли айланма йўллару янгитдан таъмирланаётган биноларни кўриб, адашиб қолмадиммикин дея иккиландим ҳам. Чунки қисқа вақт ичида катта ўзгаришлар бўлибди...

Хайрли ишнинг эрта-кечи йўқ, деганларидек, юқорида айтганимиз — аввалги харобалардан асар ҳам қолмаган. Юртбошимиз ташаббуси билан боғ янада кенгайтирилиб, ҳақиқий истироҳат гўшасига айлантирилаётгани, чор-атрофда бир-биридан гўзал биноларнинг қад ростлаётганлиги айни муддаодир. Энди адибнинг пойига етиш у қадар мушкул ҳам эмас... Бир вақтлар Қодирий ва у кабилар номини тилга олиш қанчалик хавфли бўлган бўлса, эндиликда бу номлар фахр ва ифтихор билан тилга олинади. Пойтахтимиздаги бир-биридан гўзал Мирзо Бобур, Ғафур Ғулом номидаги, Боғи Эрам каби истироҳат масканлари сафига янада гўзал ва фусункор Абдулла Қодирий боғининг қўшилиши ҳар жиҳатдан қувонарли. Ўйлаймизки, ушбу боғ наинки Қодирий мухлислари, балки барча адабиёт ва санъат ихлосмандларининг, бутун элимизнинг ҳам севимли гўшасига айланажак.

**И.ҚЎШШАЕВА**

# Маданий ҳаёт

«Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан Собир Раҳимов туман Маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли Завқий номидаги маданият уйи ҳамкорлигида, маҳаллалар ўртасида «Уч авлод учрашуви» номли спорт мусобақаси ўтказилди. Мусобақада етти ёшдан 70 ёшгача бўлган спорт ишқибозлари шахмат, шашка, стол тенниси бўйича ўзаро беллашдилар. Шашка бўйича «Навбаҳор» маҳалласидан Обиджон Алимов ҳамда шахмат бўйича «Дўстлик» маҳалласидан Нодира Султонова биринчи ўрин, шашка бўйича «Чуқурсой» маҳалласидан Азамат Тоиров, шахмат бўйича «Навбаҳор» маҳалласидан Рустам Фозилов ва стол тенниси бўйича «Навбаҳор» маҳалласидан Азиза Жалилова иккинчи ўринни эгалладилар. Мусобақа якунида ғолиблар қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқ билан тақдирландилар.

**Дилрабо УМАРОВА**

* * *

Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театрида эстрада санъатини янада ривожлантириш, ёш санъаткорларнинг ўз иқтидорини тўла намоён этиши учун шарт-шароитлар яратиш, эстрада жамоалари ҳамда истеъдодли ёш хонанда ва созандаларни кашф этиш, миллий эстрада санъати намоёндаларини кенг тарғиб қилиш, келажак авлодни ватанга муҳаббат, миллий эстрада анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида «Ёшлик баҳори» номли эстрада санъати ижодкорларининг анъанавий вилоят танлови бўлиб ўтди.

Танлов якунида ғолиблар ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

**Юлдузхон ИБРАГИМОВА**

**100.000 сўм**

# ПУЛ ЯНА ЎЗИМИЗГА ҚОЛДИ...

***Газетамизнинг ўтган сонида эълон қилинган саккизта саволга тўла жавоб топиш бахти бу сафар ҳам ҳеч кимга насиб этмади. Жангчи шоиримиз Қўчқор Норқобил бир ҳафта Каттақўрғонда махсус озиш муолажасидан қайтгач, Хосиятхоним ёрдамида бу ишга астойдил киришди, тўғри жавобларни бирин-кетин топиб, манзил сари анча яқинлашди, аммо паришонхотирлиги ҳал қилувчи пиллапояларда панд берди. Бунинг сабаби, Каттақўрғонда даволанувчилар фақат суюқ шарбат ичишади, овқат ейишмайди.***

***Доимий мухлисларимиздан бири Дониёр Бегимқуловнинг изланишлари ҳам ёмон эмас.***

***Хуллас, ғолиб бу сафар ҳам аниқланмади.***

***Тўғри жавоблар қуйидагича эди:***

1. Матбуотчилар кўчаси 30 ва 31 рақамли уйларнинг борлиги сиз тугул бизларга ҳам маълум эмас. Зато, 32-уй бор.
2. «Ҳуррият» газетаси ташкил этилганида бош муҳаррирликка кўрсатилган биринчи номзод Ёқубжон Хўжамбердиев эди.
3. Вилоят газетасида бир йилча ишлаганидан сўнг, ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзаётиб, газетанинг номини муҳаррирдан сўраган шоир Анвар Эшонов эди.
4. Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов актёр сифатида илк бор «Ғунчалар» спектаклида 1951 йили саҳнага чиққан.
5. Ишга вақтида келиш тўғрисида буйруқ чиқарган ва... ишга вақтида келмаганлиги учун ўзига ўзи хайфсан эълон қилган ҳамкасбимиз — «Ватан» газетасининг бош муҳаррири Ёқубжон Хўжамбердиев эди.
6. Икки сўздан иборат савол-сарлавҳаси билан адабий жамоатчиликни қўзғатган адиб Шукур Холмирзаев («Адабиёт ўладими?»).
7. «Келин-куёв телешоуси»га таклиф айтган журналист Қурбон Эшматов.
8. Стадиондан саҳнага сакраган санъаткор — Ёдгор Саъдиев (Газетамизда айни шу сарлавҳали мақола эълон қилинган).

# БУЮК КЕЛАЖАК ЧЕЧАКЛАРИ

## ШИВИРЛАБ СИР АЙТДИМ...


Дилноза БОБОНАЗАРОВА

Ишқнинг саҳросида танҳо чечакман,
«Ёрилтош»дай сирли, мангу эртакман,
Кимлар ошиқ бўлган ёғду юракман,
Дунёларга ёруғ сўз айттим келди.

Шивирлаб сир айтдим самоларга мен,
Маҳлиё термулдим ул ҳилолга мен,
Гоҳо розим айтдим хаёлларга мен,
Девона кўнглимни юз айттим келди.

Сукунат даштида пирпираб учган,
Бир сўз такрор доим юрагим қучган,
Билмадим, руҳимни не кунлар бичган,
Далли дунёларга сўз айттим келди.

Қўлингиз узатинг, қўлимни бериб,
Олис мавжудотта кўнглимни бериб,
Яхшиликка ўнгу сўлимни бериб,
Ўзликдан, покликдан сўз айттим келди.

*Сурхондарё*


Машҳура ШАРИПОВА

## ОНА ЮРТИМ

Дўстлар, гўзал Қорақалпоқнинг,
Жаннатмакон гул гўшаси бор.
Қадим минг йил тарихга эга,
Номи Эллик — минг қалъаси бор.

Эллик қалъа, Эллик ҳақиқат,
Гувоҳ унга тарихнинг ўзи.
Думан қалъа, Қизил қалъада
Порлар аждодларнинг юлдузи.

Аждодлардан руҳ олиб ўсган
Шу маконнинг мен бир қизиман.
Агар тарих саҳфасин очсам,
Шу замоннинг янги изиман.

*Эллик қалъа*


Ободон ТУРДИМУРОДОВА

## ШОИР ДЕМА

Осмондаги юлдузим,
Моҳим дебсан сен мени.

Дунёдаги ёлғизим,
Илоҳим дебсан сен мени.

Лекин нега, не учун
Шоир дебсан сен мени.
Муҳаббатнинг йўлида
Тайр дебсан сен мени.

Шоирлигим сен учун,
Тайр эдим сен учун.
Сен ким бўлсанг ҳам, ёрим,
Қойил эдим сен учун.

Дема, ёрим, сен менга:
«Ўртамизда тўсиқ бор».
Муҳаббатнинг йўлида
Тўсиқ бўлмас қўшиқлар.

Кечаги ҳам бугунги
Айтилажак сўзимсан.
Шоир қилган туйғунинг
Айбдори ўзингсан.

*Нукус*

Қорақалпоқчадан
Рустам МУСУРМОН таржимаси


Дмитрий ЧЕРНИКОВ

## ФАЗО САЁҲАТЧИСИ

Сайёралар аро учаётган кемам
Сомон йўлларига солади соя.
Ғанимат дунёда, шунчаки эмас,
Гўзал яшамоғим шарт бениҳоя.

Омадсизлигимдан кулар беписанд,
Дунёни пул билан ўлчаган ҳар зот.
Бироқ орзу нуқул беравермас панд,
Мени ҳам албатта сийлагай ҳаёт.

Замин ғалвасига хайр-хўш қилиб,
Мен эшик очаман ўзга оламга.
У ерда худойим иккига бўлиб,
Битта бахт беради барча одамга.

*Тошкент*

Р.МУСУРМОН таржимаси

Шаҳноза НАЗАРОВА

## БАХТНИНГ РАНГГИ

Тонг отмоқда. Бахтранг қуёш уфқдан бош кўтарди. У менинг юрагим, у сенинг юрагинг, ватандош. Қуёшдаги тафт Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат боболарим қалбидан кўчган.

Бахтранг қуёш ўзи билан осмонларни кўтара бошлади. Тоғларим осмонларга тиргак бўлди, осмонларга тиргак тоғлар меники бўлди. Ўшал осмон бағридаги юлдузлар — Навоий бобо, Машраб бобо, Яссавий бобо меники эди.

Бу самони Ватан тутдим.


Муҳиддин АБДУСАМАД

...заминга санчилган патсимон терак —
Навоий ушлаган ўтлуғ қаламми?..

...йиғласа ёшини ютади дарахт,
на ерга, на кўкка бўзлар додини...
...манов каллакланган озурда шотут —
бирорта бечора шоир зотими?..

...елга ҳам, ерга ҳам эркалик қилар,
самимий тушунар алдоқларини...
...дарахтлар тушунмас модернизмни,
кўз-кўз қилаверар бармоқларини...

* * *

...фақат дарахтларга ошино кўнглим,
фақат дарахтларга ошиқадирман...
...Миртемир талпинган маҳзун мажнунтол —
Машрабнинг патила сочларимикан?..

...фақат дарахтлардан изладим калом,
бир ҳақнинг каломин, ҳур эрк каломин...

...дарахтдай тобора кўкараяпман,
жонимга озуқа бахш этар тупроқ...
...қўлларимни кўкка кўтараяпман,
ҳавода силкинар сап-сариқ япроқ...

*Жиззах*

Қадам боссам секин босаман — тупроқ озор чекмасин, кетмон чопсам секин чопаман — тупроқ озор чекмасин, оҳ урсам кўкка айтаман, отам озор чекмасин.

Зўр чавандоз отамни ҳам ажал деганлари олиб кетди.

Отам иссиқ бағримиздан узилди. Ўзбекистон, она тупроқ, отамни паноҳингга олганинг учун севаман. Ҳар баҳор отам қабридан гул унади. Ундаги



## Қатра

шабнам ёшим бўлади. Руҳим гулга боғланиб қолади, руҳим гулни суйиб қолади. Бахтранг қуёш отам юзини силаб ўтади, нурлари соқолидаги қорларни эритиб ўтади. Қучсам қабр исимайди. Тафтимни қуёш орқали бераман. Меҳрибон қуёшинг учун севаман. Мен олиб боролмадим, отам руҳини елларинг Макка зиёратига элтади. Ватан, елларингни севаман.

Куз аталмиш чавандозинг ҳар келганда отам руҳини боғларида меҳмон қилади. Ўзбекистон, сенинг саховатингни севаман. Қаърингдан отам айтган азон овози келади. Ватан, мен азон овозини эшитиб туғилганман, азон овозини эшитиб бағрингга қайтмоғим бор.

Бағрингга пок қайтсам дейман, бағрингни пок тутсам дейман.

*Жиззах*

## ЎЗБЕК ҚИЗИМАН


Нодира ЯНГИБОЕВА

Пайғамбар қизининг бахти бор менда,
Тўмарис момонинг шаҳди бор менда,
Барчиной нияти, аҳди бор менда,
Насаби сарбаланд ўзбек қизиман.

Ўзбекнинг қизига ошнодир ибо,
Мудом йўлдошидир эзгу қуш Ҳумо,
Кўкда тўлин ой ҳам ҳуснига шайдо,
Ҳур номи аржуманд ўзбек қизиман.

Ўзбегим қизига қилишар ҳавас,
Гулдай яшнатади эгнида атлас,
Эзгулик, яхшилик тилар ҳар нафас,
Тиллари асал-қанд ўзбек қизиман.

Нодира, иқболи буюксан чиндан,
Куйлагин бахтингни юракдан, дилдан,
Шодлик улаш элга келгунча қўлдан,
Дили элга пайванд ўзбек қизиман.

*Хоразм*

## СУҲБАТ


Олимжон ЎРИНОВ

Юлдузлар — самога учган донишманд,
Аммо яширгандир барчаси сирин.
Тунда кўкка боқиб ўйлаб қоламан:
Аниқлаб бўларми инсон тақдирин.

Само, нени ўйлаб йиғлайсан мудом,
Ёмғир, ювяпсанми гуллар чангини.
Сендан сўнг камалак келса, сўрайман
Кўрсатиб бергин деб бахтнинг рангини.

Юлдузлар — самога учган донишманд,
Толеъдан сўйламанг ҳар раҳнамога.
Инсон тақдирини билса олдиндан
Учиб кетармиди балки самога?

*Бухоро*

Азамат ҚОРЖОВОВ

## ЯЛОА

Томорқани пайхонлаган эшакнинг думига керосин қуйиб олов ёққан, менман. Лекин баъзилар «мушукнинг думини кесган бола» дейишади. Бу гапда ҳам жон бор.



Рақибларим кўп, ўч олиш уларнинг касби. Дўстларим эса ўргатгани ўргатган. Бироқ, барибир, ҳар хил миш-мишлардан қутулолмайман. Шу дейман, гап тарқатаман деган одамга бургадек баҳона бургутдек кўринар экан...

— Ҳув бу ёққа ке! Сен...ҳа ҳа... сенгинани айтайиппан!

Отам шундай деб мени чақирди. Бордим. Отам тилининг тагига нос ташлади-да;

— Санам жигит бўп қолдинг. Катта ишларди буюрсам қиласанма?

— Қиламан, — дедим.

— Самарқандга, Бозоргул аммангникига бор десам, борасанма?

— Бораламан, — дедим.

— Унда маған қара, — отам фахрланиб кетди, шекилли, мўйловини силади. — Эртага Ғидинбой амакингникига тўй келади. Шунга айтиб келасан.

Ие, бунга ким рози бўлмайди! Мазза-ку! Дарров отамдан пул олдим-у, шаҳарга жўнадим. Ўлай агар, бир йилдан буён Самарқандга борганим йўқ.

— Жўл пўстак? — деб сўради одамлар.

— Ша-арга! — дедим гердайиб.

— Айтиб қўяй, — деди битта ўқигани, — тағин масхара бўлиб юрма.

— Батинкам яп-янги, — дея тиржайдим.

— Агар «ж» деб гапирсанг, ҳамма устингдан кулади. Шарманда бўласан.

— Гапирганим жўқ-ку, — деб йўлимда давом этдим. Лекин ичимга ваҳима тушди. Тағин «ж»лаб гапириб уятга қолсам-а?!

Шу хаёл оғушида шаҳарга кириб келдим. Ўзимни шундай сипо тутдимки, қизлар ҳавас билан оғзилари очилиб қолди.

Аммамнинг кўчасини топдим. Қайси эшик эканлиги эсимда қолмаган экан, ахтариб кетаётгандим, бир тўда болага дуч келдим. Улар менга зимдан тикилишди. Сўнг биттаси имлаб чақирди.

— Ўв, братишка, баққа кел.

Қўрқа-писа бордим. Баланд бўйлиси мен билан менсимайгина қўл бериб кўришди. Қолганлари тиржайишди.

— Исминг нимади? — сўради «каттакон».

— Ялол, — дедим шошиб қолганимдан.

— А?

— Ялол, — дедим овозимни баралла қўйиб.

— Ялол?! — уларнинг оғзилари очилиб қолди.

Шу пайт сал наридаги тут тагидан шарақлаган кулги эшитилди. Қарасам, аммамнинг ўғли Шоҳруз қорнини ушлаб кулаяпти.

— Узр... — узр... — деди у зўрға. — Во, ичагим узилади... оббо, тоға-ей! Оббо, Жалол тоға-ей!..

Исмим Жалол эканлигини билган шумтака болалар ҳам кулиб юборишди. Аммамнинг ўғли мени узоқдан таниб. Бир ҳазиллашиб қўйгиси келган экану, аммо бу даражада кулдиришимни ўйламаган экан.

*Самарқанд*

Ойсоат АВАЗОВА

## ҲУЗУРБАХШ ТУЙҒУ

### Қатра

Баҳорнинг сокин тунларидан бири. Осуда тун қучоғида ўзини бахтиёр сезади киши. Шу бахтиёрлик дунёсида келинчак мисол гўзал куннинг менга илинганларини хаёл кўзгусидан ўтказа бошладим. Баҳорнинг бу куни чиндан ҳам ҳиммат қилиб, ногаҳон йўлларимда сени пайдо қилган эди. Табиат янада гўзаллашиб, бутун борлиқда чақин чақнагандай бўлди. Негадир титрар, ҳаяжонимни босолмас, кўнглимни шодликка тўлдирган аллақандай ҳузурбахш туйғу мени асир қилиб қўйганди. Руҳимдаги бу титроқни сездириб қўйишдан чўчиб, минг бир азоб билан бардошимни йиғдим-да, кўзларингга термулдим. Эвоҳ! Бу кўзлар! ... Бу кўзларга термулишдан ортиқ азоб, бу кўзларга термулишдан ортиқ лаззат бормикан?!



Ўзим билан ўзим курашаётган айни шу лаҳзаларда, устимдан кулмоқ учунми, нигоҳинг мен томонга қадалди. Ўн саккиз минг олам дош беролмайдиган бу нигоҳларга менинг кўзларим қандай дош берсин! Киприкларимда титроқ, ҳаяжондан бирбирини қучиб олишди. Киприкларим бир-бирини қучган маҳалда бу нур бағримга тушиб, унга ҳам омонлик бермади. Сочилган япроқ мисол сочилиб кетдим...

Мана шу пора бўлган кўнглим ҳаққи, айт, борлиғимда нечун бу қадар сочилиш? Титраган киприкларим ҳаққи, айт, бу нигоҳлар аввал ҳеч учрашганмиди?

Олисда «Йўқ!» деган сас эшитилди.

— Унда нечун бу қадар ўртаниш, бу қадар куйманиш?

Яна ўша олисдан овоз келади: «Бу - ўша, йиллар бўйи кўнглингда гулдай асраб келганинг, сокин тун қучоғида хаёлларингда кутганинг, соф муҳаббат! Сен қўмсаган ўша нурга йўғрилган ҳароратли дунё!»

Кўнглимда акс-садо. «Бу ўша!»

*Термиз*

## СЎЗ АХТАРАЁТГАН ЁШЛАР



**Боши биринчи бетда.**

Ниҳолни ердан ерга кўчирадилар, парвариш қиладилар, мевасини кутадилар, соясидан ором истайдилар. Момо ер бағрида боболаридан, момоларидан келажак авлодларга ҳалол меҳнатнинг мероси бўлиб қолсин, дейдилар. Сўзни қалбдан қалбга, юракдан юракка кўчирадилар. Чунки, ўйлаб айтилган сўзда ҳикмат бор. ҲИКМАТ эса йиллар тўфонида ҳам, тўзонида ҳам, саратонию, қаҳратонида ҳам сўлиш билмайди, хазон бўлмайди. Сўз ахтарган одам аслида ҳикмат ахтаради. Худойим шоирга ато этган кутилмаган ташбеҳ — бу аслида кутилган ҳикматдир.

Зомин ёшлари ўз семинарларининг очилишидаёқ Абдулла Орифнинг ҳикмат дарсидан қалам аҳлини ҳушёрликка, огоҳликка чорловчи ўгитларидан баҳраманд бўлдилар. Тўғрироғи, кўзлари, юзларида улуғликнинг шуъласи жилваланади.

Яхши ният банданинг топган ярим моли. Илоҳим, Зомин ёшларининг эзгу ниятлари ўзларига йўлдош бўлсин. Чунки, миллатида улуғлари кўп бўлган элнинг кўкси ҳамиша тоғ, бошини ўзгалар эголмайди. Яхшиларнинг кўплиги энг аввало Ватанни нурлантиради. Зомин семинарини тўққиз йил узлуксиз давом этишидан мақсад — элига сўз айтоладиган, сўзи билан эл корига ярай оладиган, элни эргаштира биладиган, улуғ аждодларига, пиру комилларга муносиб авлодлар камол топишини исташдир.

Зомин ёшлари шеъриятининг таҳлили — алоҳида мавзу. Қолаверса, унинг ўз эгалари бор. Мен сўз ахтараётган ука-сингилларимизга, ўғил-қизларимизга айтмоқчи бўлганларимни бир шеър билан якунласам.

Ҳар кўнгил бир дарё, оқмоқ истаса,
Ҳар дилда бир чўғ бор, ёқмоқ истаса,
Истаса, шеър отлиқ чақмоқ истаса,
Дилбар дил аҳлининг биз дилдошлари,
Хуш кўрдик, хуш кўрдик, Зомин ёшлари.

Нима бор демангиз Зомин тоғида,
Поклик қайнаб ётур ҳар булоғида,
Қуёш қалам йўнар ой ўроғида,
Шеър битса дафтардир ҳатто тошлари,
Қалам қўлингизда, Зомин ёшлари.

Мажнунтол тагида Миртемир гувоҳ,
Баъзан шеър бўларкан биттагина оҳ,
Абдулла Орифнинг изида ирмоқ,
Соғу омон бўлсин олтин бошлари —
Ватан чироғидир Зомин ёшлари.

Ой доғин терарлар ойдин тунлари,
Зулфия момонинг оппоқ гуллари,
Эй назм боғининг хуш булбуллари,
Ҳамид Олимжоннинг дил қуёшлари,
Қувонч қўнғироғи Зомин ёшлари.

Ҳар ким ҳўплолмагай кўнгил чашмасин,
Шундай шеър ўқингки, тошлар гулласин,
Муҳаммад Юсуфнинг руҳи қўлласин,
Ўзбакий рангдадир кўзу қошлари,
Зомин ёшлари бу, Зомин ёшлари!


Ўлмасой НИШОНОВА

## ОТА

Ота, боғларингни кузатдим узоқ,
Қара, жаннатдайин турибди бирам.
Отажон, юртимга, юртингга бир боқ,
Ўзбекистон қайси жаннатлардан кам?

Ота, боғларингда кездим беармон,
О, улар нақадар беқиёс, гўзал.
Сен борсан, кўрк очиб турар ҳар томон,
Отажон, қўлларинг олтинми ё лаъл?

Ота, боғларингда ўйладим шу чоқ,
Меҳнатдан камолин топганим маним,
Сен — йўлим ёритиб тургувчи маёқ,
Сен ила ободдир Ватан — чаманим.

*Марғилон*

Наргиза ХОЛМЎМИНОВА

## СОҒИНЧ

Истадим мен кузнинг келишин қайтиб,
Шамоллар учирган тўлғоқ мезонни.
Сукунат чулғаган осмон зимистон,
Шивирлаб сўзлаган ўша хазонни.
Кезардик боғларни, кезаман ҳамон.
Ёмғирлар шитирлаб юзимни ювар.
Қалбимни чулғайди кўркинч, ҳаяжон,
Хотира ортимдан изма-из қувар.
Не қилай, васлингга ета олмайман,
Йиғладим Аллоҳга зоримни айтиб.
Соғинч азобларин экиб дилимга.
Истадим, дунёга келишинг қайтиб,
Азизим, мен сени жуда соғиндим...

*Сирдарё*


Дилнавоз САЛИМОВА

## ТАВАЛЛУД

Ярим кеча, атроф зим-зиё,
Кўзларимга уйқу бегона.

Оҳангларда сузади дунё,
Шеър ишқида ёнар мастона.

Ҳислар вулқон, сўзлар бежаранг,
Бунда қалам энг одил киши.
Қофиялар қилар мен-ла жанг.
Ташбеҳ менга қайрайди нишин.

Юраклардан шеър ёғиб сим-сим,
Оқ қоғозга қўнади тонгда.
Қанча сўзлар қолади ўксиб,
Қаҳрамонлик қилолмай жангда.

Кўринади туннинг поёни,
Янги кун ҳам ташлайди қадам.
Булбул қарши олади тонгни,
Мен ғунчадек мудраётган дам.

*Наманган*

Раҳшона ТОШПЎЛАТОВА

## ВАТАН



Дунёда биргина топганим ўзинг,
Сен менинг дунёда боримсан, Ватан.
Кўрарга кўзингман, айтарга сўзинг,
Сен менинг номусу оримсан, Ватан.

Ўзингсан таянчим, ўзинг суянчим,
Ниҳолман, соябоним — чинорим Ватан.
Ўзинг қайғу-ғамим, ўзинг қувончим,
Юракда қурилган минорим, Ватан.

Мен сенинг, эртангда кўрдим ўзимни,
Меҳр нурим, шамсу қамарим, Ватан.
Сенга бағишлайман бу кун сўзимни,
Илҳом берадиган чаманим, Ватан.

Сувлари юзимни ювар ҳар саҳар,
Чанқоғим бостувчи анҳорим, Ватан.
Боғлари барг ёзар, кўркам ҳар сафар,
Қалбимнинг соғинчи баҳорим, Ватан.

*Фарғона*


Жасур ХУСАНОВ

## УЧРАШУВ

Пастаккина кичкина қишлоқ,
Катта юртнинг бўйига бўйлар.
Дийдорига бўлганда муштоқ,
Учраштирар бизларни тўйлар.

Бўй қизлар кўп, йигитлар бисёр,
Катта мавсум: бошланади куз.
Тўйда ҳеч ким эмас-ку ағёр,
Фақат тезда тарқаб кетар сўз.

Шундан тиллар сукутда қолиб,
Кўзлар пинҳон суҳбат қуради.
Тўйда оёқ тинч-у, хаёллар
Қувлашмачоқ ўйнаб юради.

Сен чўчийсан акангдан бироз,
Менинг ҳам сал бўшанглигим рост.
Фақаттина интиқ кўнгиллар,
Фақат диллар бир-бирига мос.

Ширингина кичкина қишлоқ,
Атрофида минг бир хил ўйлар,
Ҳаргиз гулим тутолмам, бироқ,
Учраштирар бизларни тўйлар!

*Паркент*

## ОРЗУЛАРДАН КЕЧГИМ КЕЛМАЙДИ


Лобар ТУРСУНОВА

Севги мени қувар бағридан,
Умидларга қўлим етмайди.
Суюклидир менга баридан,
Орзулардан кечгим келмайди.

Қўмсагайман ҳурлик чоғларим,
Ўз севгимдан кўнглим тўлмайди,
Мустар тортган қўғирчоғимни,
Орзулардан кечгим келмайди.

Хаёлларим қайсар арғимчоқ,
Ҳатто онам дардим билмайди.
Барисидан юз бургум, бироқ
Орзулардан кечгим келмайди.

Шўхликларим тинчиб тин олган,
Ғавғо солиб кўчиб елмайди.
Қулоғимда садоси қолган,
Орзулардан кечгим келмайди.

*Қарши*









Ўлкамизда айни ёз, пишиқчилик даври. Боғлардан, далалардан улкан ҳосил хирмони уюлаётир. Ғаллакорларимиз қучган зафар кўнгилларни тоғдек кўтаради. Пахтакорлар ғўзага ишлов беришни жадаллик билан давом эттирмоқдалар. Саратоннинг саҳий қуёши бўлажак мўл ҳосилга замин ҳозирламоқда.

Фотожурналист Рустам Шагаев ижодига мансуб ушбу суратларга нигоҳ ташлаган кишининг кўнгли, шубҳасиз, мунаввар туйғулар билан тўлади. Ҳамкасбимиз ҳар галгидек, оддий меҳнат кишиларининг руҳий оламини ифодалашга ҳаракат қилган. Касби тақозосига кўра мамлакатимизнинг турли минтақаларини эринмай кезиб юрадиган Рустам ижодига кундалик ҳаётимизнинг энг оддий ҳақиқатлари ҳамиша ўз аксини топади. Таҳририятимизга лутфан тақдим этилган ушбу расмлар фикримизга далил бўла олади.

# АҚЧАКЎЛ СОҲИЛИГА — ҚЎШИҚ ВА ШЕЪР БАЙРАМИГА МАРҲАБО!

***Отажон Худойшукуров номидаги жамғарма Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан 2005 йил 11-12 август кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Бўстон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ёш хонандаларнинг IV республика танлови ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси, «Халқ сўзи» — «Народное слово», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталари билан биргаликда ёш шоирларнинг «Ақчакўл илҳомлари» III республика анжуманини ўтказади.***

Тадбир доирасида ёш хонандаларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Отаназар Матёқубов, Ўзбекистон халқ артистлари Байрам Матчонов, Олмахон Ҳайитова, Ортиқ Отажонов, Бобомурод Ҳамдамов, Гулпаршин Сиримбетова, Мирзагул Сафоева, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Маҳмуджон Тожибоев, Фарҳод Давлатов, таниқли хонандалар Раҳматжон Қурбонов, Озод Ибрагимов, Матназар Худойназаров ва бошқаларнинг, ёш ижодкорларга Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, таниқли шоирлар Жуманиёз Жабборов, Омон Матчон, Усмон Азим, Сирожиддин Саййид, Азим Суюн, Ошиқ Эркин, Гулистон Матёқубова, Матназар Абдулҳаким, Халилла Давлетназаров ва бошқаларнинг маҳорат ва тажриба сабоқлари бериши кўзда тутилмоқда.

**Тадбирларда иштирок этишни хоҳловчилар тегишли ҳужжатларни 2005 йил 20 июлгача Элликқалъа тумани ҳокимлиги биносида жойлашган ташкилий қўмита (743004, Элликқалъа тумани, Бўстон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 1-уй, телефонлар: 585-28-28, 585-13-20, 585-15-12, 585-19-00) ёки Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ахборот марказига (700129, Тошкент шаҳри Навоий кўчаси, 30-уй, телефон 144-31-90), Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаларига топширишлари лозим.**

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА**

## Дунё — кенг...



### ЎЛИМ — ВАҚТИНЧА ҚЎЙИЛГАН ТАШХИСМИ?

***Америкалик олимлар яқинда навбатдаги шов-шувли кашфиётлари билан дунё афкор оммасини яна бир бор ҳайратга солди: улар уч соат клиник ўлим ҳолатида бўлган учта итни тирилтиришга муваффақ бўлишди. Бу жараёнда жониворларнинг юраги ва миясига зарар етмади, эластиклигини бироз йўқотган томирлари эса мураккаб бўлмаган жарроҳлик амалиёти орқали тикланди.***

Яқин-яқингача юрак етти минут вақт давомида тўхтаб қолса миянинг ҳужайралари ўлади ва уларни ҳеч қачон қайта тиклаб бўлмайди, деб ҳисобланарди. Бундай ҳолларда, гарчи реанимация чораси жуда ҳам муваффақиятли ўтказилса-да, ҳаётга қайтарилган тана чалажон бўлиб қолар, худди парваришталаб нозик ўсимлик каби ночор кун кечириши мумкин деб қараларди, — дейди Питсбургдаги реанимация маркази ходими, итлар устида ўтказилган тадқиқотлар раҳбари, биология профессори Жон Левингстон. — Биз итларни тирилтириш бўйича эришилган ютуқлар асосида айнан шундай тадқиқотни одамлар устида ўтказишга яқин йилларда киришишни режалаштирганмиз.

Олимнинг сўзларига қараганда, реанимация маркази ходимлари ишлаб чиққан методга кўра, саноқли секундларда мурданинг томирларидаги қон тортиб олинади ва унинг ўрнига ҳарорати уч градусдан юқори бўлмаган яхдай тузли эритма қуйилади. Бу жараёнда жонивор музхонада сақланиб, камера ичидаги ҳарорат нол атрофида сақлаб турилади.

— Расман жониворлар клиник ўлим ҳолатида бўлади: нафас олмайди, юраги уришдан тўхтайди, мия фаоллиги сезилмайди, — дейди Ж.Левингстон. — Фақат уч соатдан кейин ана шу жониворларга яна қон қуйилади ва электр токи ёрдамида ҳаётга қайтарилади.

Унинг айтишича, одам устида ўтказиладиган бундай тирилтириш жараёни ҳам айнан шунга ўхшаш бўлади. Дастлаб томирлари орқали қони тортиб олинган мурда бир неча соат музлатгичга солиб қўйилади ва кейин тирилтирилади. «Албатта, ҳар бир ҳолатда марҳумнинг қариндошларидан рухсат олиниши керак, — дейди олим. — Менингча, яқин кишисини ҳаётга қайтариш имконини кўришни ҳеч ким рад этмаса керак.»

Ҳозирча тирилтириш чорасини ҳаёт пайтида жиддий сурункали касалликлар, масалан, саратон ёки қанд хасталиклари билан оғримаган ва бахтсиз тасодиф, ҳалокат туфайли ўлган марҳумларга қўллаш мумкин, дейди Ж.Левингстон.

— Биз тирилтирган итларни «зомби»лар дейишади, бироқ аслида ундай эмас, — дейди Марказ лабораторияси бошлиғи Анна Девис. — Ҳақиқатан ҳам, бу — тирилган мурдалар, бироқ уларнинг психикаси ва физиологиясида ҳеч қандай ўзгариш сезилгани йўқ. Итлар ўзини одатдагидай тутишади — қувишиб-ўйнаб, овқатланиб юрибди.

А.Девис Марказ лабораториясида ҳозир уч яшар қизалоқ Жозефина текширилаётгани, унинг юраги туғма "порок" эканини айтди. Олимлар қизалоқни ана шу хасталикдан клиник ўлим ҳолатига тушгач, икки соатга музлатгичда сақлаб, кейин эса тирилтириб, юрагида жарроҳлик амалини ўтказишмоқчи. Уларнинг тахминига кўра, операциядан икки-уч кун ўтиб, Жозефина нафақат қайта тирилади, шу билан бирга хавфли хасталикдан ҳам халос бўлади.

— Агар бизнинг режаларимиз амалга ошса, инсониятни мутлақо фантастик келажак кутаётир деяверинг, чунки ўлим энди охирги ҳукм эмас, балки вақтинча қўйилган ташхис бўлади, — дейди Ж.Левингстон.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевга ўғли

**Бахтиёр ТЎХТАБОЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Адабиёт жамғармаси ва "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" жамоаси уюшма аъзоси

**Мукаррама МУРОДОВА**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдарлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Ҳикоят Маҳмудовага турмуш ўртоғи

**Эркин ХОЛИҚОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва ўзбек филологияси факултети жамоаси факултет декани Баҳодир Каримовга онаси

**ЗИЁДА ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдарлик изҳор этади.

***Яқин-яқинларгача тошкентликлар «Илҳом самоварчи» деган сўзни эшитибоқ ўзига хос бир ҳурмат ифодасини билдиришар эди. Авлодлар алмашуви, собиқ мустабид тузум тазйиқи билан бу ном умум хотирасидан бир нафас кўтарилгандек бўлди. Лекин мустақиллигимиз шарофати билан у яна тикланди.***

***Замондошларимизнинг кўпчилиги: «Хўш, бу киши ким? Унинг хизмати нимадан иборат, маданий ҳаётимизда қандай ўрни бор?» деган саволларни бериши табиий.***

*Қатағон даври қурбонлари*

# ҚАЛБИ САНЪАТКОР ЭДИ...

Тарихий ҳужжатларнинг кўрсатишича, тошкентлик ёшлар 1906 йилдан бошлаб мустамлака тузумига қарши ижтимоий ҳаракатни бошлаганлар. Шу боис бутун куч-қувватларини мактаб ислоҳотларига ва сиёсий маърифатпарварликка қаратдилар. Камбағал етим-есирларни ўқитиш, уларга иқтисодий ёрдам бериш, халқ маърифатини ўстириш мақсадида кутубхоналар, қироатхоналар, театр, матбуот очиш учун «Жамияти имдодия» хайрия жамиятини ташкил этдилар. Олий мақсадга интилган ёшлар Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлигида маҳаллий бойларнинг бошини қовуштириб, уч йиллик тайёргарликдан сўнг 1909 йилда жамият ишини юргизиб юбордилар. Тошкентнинг машҳур бойларидан Орифхўжабой Азизхожинов раис, Мунавварқори Абдурашидхонов ўринбосар сифатида иш олиб бордилар. Ана шу зиёлилар орасида ҳофиз ва матбаачи Илҳомжон Иноғомжонов ҳам бор эди.

Маълумки, XIX аср охири — XX аср биринчи ярмида маҳаллий аҳолининг аксар қисми чойхоналарда маданий ҳордиқ чиқарар эди. Чойхоналар ўша даврда маданият ўчоғига айланган бўлиб, ошхона, қумғонлар (самовар), қассоб дўконлари билангина эмас, машшоқларнинг чалаётган куйлари, ҳофизларнинг ашуласи-ю ўзига хос мусофирхона-меҳмонхоналиги билан ҳам машҳур эди. Чойхоначининг мусофирлар олдига қўядиган беминнат чойидан ташқари, кундузи қиссагўйларнинг ҳикояси, маддоҳларнинг сўзамоллиги, айрим-айрим ўтириб қилинадиган китобхонлик, газетхонлик кўпчиликни ўзига жалб этарди. Қатор илинган беданаларнинг сайрашига ишқибоз жўраларнинг гап-гаштаги шу ерда ўтар эди. Айниқса, рўза кунлари ғаройиб бир машварат вужудга келар эди. Хожи Ҳамдам каби санъаткорлар келиб ижро этадиган лапарлару рақсларни томоша қилиш учун тумонат одам тўпланарди. Бу манзарага ўтган асрнинг иккинчи-учинчи йилидан бошлаб граммофон деган бир сеҳрли, қулоғини бураса карнайидан Мулла Тўйчи, Содирхон ҳофиз ва бошқаларнинг ашулалари, ҳатто Қуръон тиловати янграйдиган мўъжиза ҳам қўшилди.

Кейинчалик чойхоналар сиёсий маърифат ўчоғига айланди. Турли фирқа ва ташкилот вакиллари йиғилиб, ташвиқот олиб борадиган очиқ минбар хусусиятини касб этди. Шу билан бирга чойхона турли жойлардан келган санъаткорлар тўпланадиган маскан ҳам эди.

Маҳалла чойхоналарининг ўзига хос маданият ўчоғи эканини теран ҳис этган асл ватанпарвар, санъатпарвар инсон И.Иноғомжонов жамиятга моддий ёрдам бериш мақсадида дўстлари таклифи билан Эски шаҳардаги бозорда ўша манзарани эслатувчи Оврупо ошхонасига ўхшаш бир чойхона очади. Кенг майдонга оқ дастурхонли стол-стуллар тартиб билан қўйилган, бир томонда катта-катта самоварлар, яна бир томонда қозон қайнаган. Шобарот танбурчи, Илёс ғижжакчи каби машшоқлар соз чалиб турган бу манзара маҳаллий халққа ўзга бир олам бўлиб кўринса, сайёҳлар учун Осиё марказидаги ўз табиатларига мос, мўъжизакор маскан туюларди... Бу ҳақда «Туркистон вилоятининг газети» 1902 йил 22 август сонида босилган «Сарт-фотограф» сарлавҳали мақоласида шундай ёзади: «Катта бозор ичинда самоварчилик қилиб турғучи Илҳомжон ва Илёсжон машшоқлар Инъомжонбой ўғиллари дутор, танбур ва ғижжак, рубоб ва тамоми ўзбекия ва русия нағмотларини ўрганиб ва онинг машқлариға моҳир бўлиб, охирида мазкур Илҳомжон русияликлар илан робита пайдо қилиб, фотография илмидан хабардор бўлуб ва мазкур фотография асбоб ва машиналарини сотиб олиб ушбу кунларда арзон баҳо илан мусулмонларни, хушрўй болаларни ва ғайри каттакичик одамларни ва русияликларнинг тасвиротларини ниҳоятда яхши ва покиза қилиб олуб турғон эмиш». Ушбу газета Илҳомжон Иноғомжоновга 1903 йилда Петербургда ўтадиган кўргазмада ўз ишлари билан қатнашишни маслаҳат беради.

Матбуот материалларига қараганда, И.Иноғомжоновларнинг обрўси катта бўлган. «Туркистон вилоятининг газети» ака-ука Иноғомжоновлар ҳофиз сифатида тан олинганини эътироф этиб, «Илҳомжон ва Илёсжон Инъомжон ўғли, Мулла Абдулла ҳофиз, Файзи Муҳаммад ҳофиз, Мулла Иса ҳофиз ўғли, Султонхўжаларни бухоролик Мулла Қалимбой Мулла Яҳёбоев хатна тўйига таклиф этган (1904 й. 7 январ)» деб ёзади.

Илҳомжон Иноғомжонов 1872 йилда Тошкентда бандак тўқувчи оиласида дунёга келди. Эски усулдаги мактабда ўқиди, рус тилини мустақил ўрганди. Укаси Ғулом билан турли жойларда, жумладан, босмахонада ишлади: ҳарф териш, мусаҳҳиҳлик, варақа босиш, рисола чоп этиш сирларини билиб олди. Ёшлигидан санъатга қизиққани учун соз чалиш, ашула айтиш йўлларини ўрганди. Санъатга улкан муҳаббати туфайли чойхонасига келган уйғур созандалар чанг чалаётганларида оҳиста-оҳиста, бир-бир назар ташлаб, чангнинг суратини қоғозга кўчиради. Орадан кўп ўтмай ўз қўли билан чанг созини ясайди. (Бу созни Ўзбекистон радиосининг созандаси Дўстхожиев урушга кетгунча чалиб юрган, кейинги тақдири номаълум.) Бу билан кифояланмай, бир овруполик фотографдан ойига 75 сўм тўлаб, бир йил мобайнида ўтин-кўмирини ташиб бериш эвазига суратқашликни ўрганиб олади, кейинчалик кичик укаси Миродилга ҳам шу касбни ўргатиб, хусусий фотостудия очади. Даромаднинг бир қисмини жамият фойдасига ўтказади.



Илҳомжон Иноғомжонов 1903 йили Туркистон бош губернаторига муҳр ясаш устахонасини очиш учун рухсат сўраб мурожаат қилади ва шу йили ишни йўлга қўяди. Корхонасини «Матбааи Илҳомия» деб атайди. Бундан бир йил олдин Варшавага бориб граммофон заводи билан алоқа боғлайди. Завод хўжайинлари совға қилган граммофон ва лаппакларни Тошкентга олиб келиб, Қуръон оятлари ёзилган пластинкани қўйиб, Тошкент одамларини ҳангу манг қилади. Заводнинг Ригадаги овоз ёзиш студияси билан ҳам алоқа ўрнатади. У Тошкентда «Мусулмон ўлкаларидаги ширкат муғаннийларининг ҳофизлари» шўъбасини очади. (Бунда сафдошларининг таъсири борлиги ва даромаднинг бир қисми ташкилотга ўтишини ҳам унутмаслик лозим.) Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухородан доңғи кетган ҳофизларни таклиф қилиб, уларнинг овозини граммофон лаппакларига ёздиради. Шу сабабли Мулла Тўйчи ҳофиз, Ҳожи Абдулазиз, Содирхон Хўжандий, Мулла Ислом Мирзоҳидов, Левича ҳофиз, Ҳамроқул қори, Набихўжа ҳофиз, опа-сингил Мозодахон, Нетайхонлар, машҳур Адолчахоннинг «Тошкентча Адолчахон» («Тошкент тановари») ашулалари ва бошқа кўпгина ҳофизларнинг овози ёзиб олиниб, миллий мусиқа маданиятимиз мулкига айлантирилади. Ушбу ёзувлар ҳали ҳам ўзбек хонадонларида санъат мухлисларига беминнат хизмат қилиб келмоқда. Ўша вақтда эса ҳар бир лаппакни сотишдан келган даромаднинг бир қисми миллий мактаблар, етимхоналар, қироатхона ва кутубхоналар учун сарф қилинганини Мунавварқори Абдурашидхонов ўз «Хотиралар»ида эслаб ўтади. У 1913 йилда икки санъаткор билан Нижний Новгород ярмаркасида қатнашади.

Маърифатпарвар ижодкор 1914 йил 14 сентябрда Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Муҳаммадхўжа Умархўжаев, Муҳаммадхон Пошохўжаев, Саидабдулла Саидазимбоев, Убайдулла Хўжаев, Тавалло, Тожихўжа Азизхўжаев, Абдуҳаким Саримсоқов, Комилбек Норбеков, Охунжон Абдураҳмоновлар билан ҳамкорликда газета, журнал ва китоб чиқариб, эл орасида маърифат тарқатиш учун «Нашриёт» фирмасини ташкил этади. (Шартнома нусхаси бизда сақланмоқда — **С.А.**) Ажойиб инсон ва ижодкор И.Иноғомжонов бу ишлар билан чекланиб қолмаган. У «Туркистон кутубхонаси», «Умид» китоб уюшмалари ва «Турон» труппаси учун ҳам самимий хизмат қилган, «Турон» труппасининг айрим спектаклларида иштирок этиб, рол ўйнаган. 1917 йил феврал инқилобидан кейин сиёсий ишларга жиддий аралаша бошлайди.

Илҳомжон Иноғомжонов ниҳоятда оилапарвар ва замон талабини яхши тушунган киши бўлгани учун фарзандларига яхши таълим-тарбия бериш бахтига сазовор бўлади. Тўнғичи Абдуваҳобни Самарқанд педакадемиясида, кичиги Мақсудни Самарқанд тиббиёт институтида ўқитади. Оилавий ишлар билан чекланиб қолмай, Туркистонда сўл эсэрларнинг таъсири кучли бўлгани учун бу фирқага аъзо бўлиб, 1918-1919 йилларда фирқанинг Эски шаҳар ташкилотини бошқаради. 1919 йил Осипов воқеасидан сўнг бу фирқа билан алоқасини узади, ишчи синфининг вакили сифатида ҳукмрон фирқага аъзо бўлади ва 1921 йилда ғоявий жиҳатдан чиқиша олмай уни ҳам ўз ихтиёри балан тарк этади.

Тиниб-тинчимас бу инсон миллий манфаатга хизмат қилувчи турли ташкилотларда ишлайди. Туркистонда инқилобий ҳаракатлар иштирокчиси Саъдулла Турсунхўжаев 1938 йил 15 апрелда ўтган терговда шундай дейди: «Илҳомжон Иноғомжоновни Ўрта Осиёда жадидчилик ҳаракатининг туғилиш давридан бошлаб иштирок этган эски жадидлардан бири сифатида танийман. У 1906 йилдан машҳур Мунавварқори Абдурашидхонов билан алоқада бўлиб, бир неча йиллар мобайнида унинг топшириқларини узлуксиз бажариб юрган. Унинг топшириғига кўра, Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида ташвиқот ишларини олиб борган эди... Қўқон шаҳрида вужудга келган Туркистон мухториятини ташкил этишда ҳам қизғин иштирок этиб, бу ҳукуматни сақлаш ва қўллаб-қувватлаш учун Тошкент шаҳрида режалаштирилган кучли ташвиқот юритди».

Гарчи шўро ҳукумати хавфсираб устахонани ёпиб қўйган бўлса-да, Илҳомжон Иноғомжонов уни қайта очишга муваффақ бўлади. Чунки оила, рўзғор тебратиш учун манба керак, бунинг устига ҳукуматнинг бундай устахоналари ҳам кўп эмасди. Шу боис у 1926 йили Тошкент вилоят ижроия қўмитасининг маъмурий бўлимига мурожаат қилиб, устахона учун уч пуд ўзбекча ва икки пуд рус ҳарфи сотиб олишига рухсат беришларини сўраб ариза беради. Умумий маъмурий бўлимнинг матбаа бўлими 1926 йил 29 июлда №1/6743 рақамли, маъмурий бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция бошлиғи Астанов имзоси билан «Гувоҳнома» беради. Аммо бу воқеага қадар унинг тилини қисиб қўйиш учун Самарқандда ўқиб, нашриётда ишлаётган ўғли Абдуваҳоб Илҳомовни Эрон консулхонаси ходимлари билан Туркистонда аксилшўровий иш олиб борувчи гуруҳнинг хориждаги марказини ташкил этиш учун тил бириктиришда айблаб, 1924 йил 15 декабрда қамоққа оладилар. Аммо ўғли барча айбларни инкор қилгач, ОГПУ Махсус Кенгаши 1925 йил 3 июлда А. Илҳомовни уч йил мобайнида Ўрта Осиёда яшашдан маҳрум этувчи қарорини эълон қилади. Бу жазо чораси 1926 йилда бекор қилингачгина Илҳом самоварчи ўз фаолиятини давом эттиради. Бу ҳолат кексайиб қолган матбаачини изтиробга солади. Аммо начора, у бутун аламини муҳр тайёрлашдан олади.

Барча миллий зиёлиларни ўзига душман деб билган шўролар ҳукумати 1935 йилда муҳрни сохталаштирган, деган баҳона билан устахонани ёпиб қўйиб, И.Иноғомжоновнинг ўзини уч ойлик мажбурий меҳнатга йўллайди. «Ана қамайдилар, мана қамайдилар» деган хавотирда яшаётган кекса уста бошига яна ташвиш тушади. Нашриётда таржимон бўлиб ишлаётган катта ўғли Абдуваҳоб Ленин-Сталин асарларининг таржимасида ғализликка йўл қўйганликда, аксилинқилобий оқимга мансубликда айбланиб, 1937 йил 14 августда қамоққа олинади ва 19 сентябрда НКВД учлигининг қарори билан 10 йилга меҳнат тузатиш лагерларига сургун қилинади. Бу кутилмаган зарбадан уста фаолиятини деярли тўхтатади.

Ана шундай оғир маънавий-руҳий аҳволда яшаётган И. Иноғомжонов 1938 йил 23 январда НКВД томонидан қамоққа олинади. 1929-1930 йилларда қамалиб, отилиб, сургун қилинганлар билан алоқадорликда, уйида махфий босмахона сақлашда, 1919 йилда аҳоли орасида миллатчилик ташвиқоти олиб борганликда айбланиб, 1938 йил 4 октябрда энг оғир жазога лойиқ топилади. У ўзбек халқининг фахри бўлган Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий ва бошқалар билан бир кунда жисмонан маҳв этилади.

Тошкентлик ҳофиз, биринчи фотограф, граммпластинка чиқариб, миллий ҳофизларимиз ашулалари, миллий куйларимизни тарих учун муҳрлаб қолдирган биринчи овоз ёзувчи, чолғусоз, миллат тараққиётининг жонкуяри Илҳомжон Иноғомжонов ҳаёти шу тариқа якун топади.

Руҳан исёнкор, қалбан санъаткор инсоннинг амалий фаолияти эса бугун миннатдор авлодлар хотирасида яшамоқда.

**Сирожиддин АҲМАД**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*
*ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55*
*Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48*

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи — Иқбол ҚЎШШАЕВА
Саҳифаловчилар — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ, Нодир МАМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 3030. Буюртма Г — 654. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН